

Мушоҳада

ТУРИЗМ СТАТИСТИКАСИ

ёки ишга солинмаган мавжуд имкониятлар



Махмуджон ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори

Туризм — илм-фан, маданият ва спорт каби мамлакатни дунёга тез танитадиган йўналишлардан бири. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили дунё бўйлаб бир миллиарддан зиёд инсон сайёҳлик мақсадида сафарга чиқади. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, мақбул ва қулай сайёҳлик муҳитини яратиш, соҳада қонунчиликни тубдан такомиллаштириш ҳамда туризм маҳсулотини ва хизматларини диверсификация қилиш мақсадида, жаҳон тажрибаларини ўрганган ҳолда, жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида жорий йилнинг 16 июнь куни хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, сайёҳлар диққатини ўзига жалб этувчи жойлар ҳам етарли экани қайд этилди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятларидан ҳам тўла фойдаланилмаётгани, янги йўналишлар очилиши, кўчада дам олиш масканларини қўшайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмни тараққий эттириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳақиқатан, мамлакатимиз бетақор табиатга эга, миллий кўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмин ривожлантириш учун катта имконият мавжуд. Айниқса, тиббиёт ва зиёрат туризмни, экотуризмни ривожлантириш янги иш ўринлари яратишда ҳам қўл келади.

Имкониятлардан етарли даражада фойдалана оляпмизми?

Айрим давлатларда туризмдан келадиган даромад ялпи ички маҳсулотнинг каттагина қисmini ташкил этади. Мисол учун, Мальдив Республикасида бу кўрсаткич 79,4 фоиз, Багам оролларида 44,8 фоиз, Грузияда эса 27,1 фоиздир.

МДҲда мазкур кўрсаткич Озарбайжонда 14,6 фоиз, Арманистонда 14 фоиз, Қозоғистонда 6,2 фоиз, Беларусда 5,9 фоиз, Россияда 5 фоизга тенг. Мамлакатимизда сайёҳликнинг ЯИМдаги улуши 2014 йилда 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, 2,5 фоизга етди.

Ўзбекистонда сўнги йилларда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш борасида кўплаб сайёҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2018 йилдан Исроил, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари учун 30 кунлик муддатга виза режими жорий этилди. Бугунги кунда Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина ва Қирғизистон (60 кунгача) фуқаролари визасиз режимдан фойдаланмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, сайёҳлар оқими янада кўпайишига хизмат қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2005 йилда туристик мақсадларда Ўзбекистонга



келган чет эл фуқаролари сони 242,1 минг кишини, 2010 йилда 974,6 минг, 2015 йилда 1 917,7 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 6 748,5 минг нафарга етиб, 2018 йилга нисбатан 26,2 фоиз кўпайган. Маълумотлар кейинги йилларда бу соҳада ижобий ўзгаришлар, туб ислохотлар ўтказилгани сабабли кескин бурилиш юз берганини кўрсатиб турибди. 2020 йил январь-март ойларида юртимизга келган чет эл фуқароларининг асосий қисми, яъни 53,1 фоизини 31-55 ёшлилари, 19,5 фоизини 19-30 ёшлилари ва 19,4 фоизини 56 ёш ва ундан катталар ташкил этган бўлса, 18 ёшгача бўлганлар 8 фоизга тенг бўлмоқда.

Марварид ўлка

Ўзбекистон жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган тарихий обидаларигина эмас, ноёб табиий иқлим шароити билан ҳам сайёҳлик ва дам олиш учун ажойиб имкониятларга эга бўлади. Юртимизга ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетақор ландшафт, миллий анъаналар ва таомлар, ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келмоқда. Дунё миқёсида туризмнинг

энг янги ва кундан-кунга ривожланиб бораётган турларидан бири экологик туризмдир. Экотуризмнинг асосий мақсади саёҳат пайтида янги жойларни кўриш, табиат гўзаллигидан, тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, ёввойи табиат бағрида дам олишдан иборат. Мамлакатимизда туризмнинг бу турини ривожлантиришда улкан имкониятлар мавжуд. Йилдан йилга тобора кўпроқ



янги йўналишлар ва туристик хизмат кўрсатиш марказлари яратилмоқда. Мисол учун, Навоий вилоятида етти минг йиллик тарихга эга, очик осмон остидаги музей, дея эътироф этилган Сармишсой дунё сайёҳларининг эътиборидаги маскандир. Аждодларимиз томонидан қоятошларга биттилган суратлар бу ҳудуднинг азалдан маданият ва маънавият ўчоғи бўлганидан далолат беради. Ҳалқимиз орасида ҳам бундай жойларни билмайдиганлар, кўрмаганлар ҳали кўп. Ички туризмни ривожлантиришда ана шундай сўлим бўғаларни, қадамжоларни ҳисобга олиш, қулай инфратузилма яратиш зарур.

Янгикўрган туманида 16 та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўстонликда 10 минг уринга мўлжалланган кўчада дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкинлиги мисол бўла олади.



Ўзбек таомлари – такрорланмас таъм!

Жонажон диёримизда гастрономик туризмни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар беқиёс. Бу туризмдан мақсад ўша давлатнинг миллий таомлари билан танишиш, уларни татиб кўришдир. Палов, манти, дўлма, ҳасип, қабоб, сомса ва шу қабилар ўзбек ошхонасининг энг машҳур таомларидан саналади. Сўнги йилларда юртимизда гастрономик туризм бўйича

ўтказилаётган тақдирот ва фестиваллар мазкур йўналиш ривожланишига хизмат қилмоқда.

Сайёҳлик турлари алоҳида-алоҳида эмас, балки бир-бирини тўлдирган ҳолда жорий қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни тарихий обидалар, агротуризм, экотуризм ва гастрономик туризм уйғунлашган ҳолда юқори даромадли ҳисобланади.

Музейлар тарихдан сўзлайди

Музей туризмнинг ўзига хос хусусияти музейлар ва уларга ёндош ҳудудлардан туристик салоҳият сифатида фойдаланишдадир. Музейлар ва туризмнинг ҳамкорлиги тарихий маданият ва табиат ҳудудлари тизими шаклланишига асосланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 100 дан ортик музей бор. Турли коллекцияга эга бўлган музейларнинг мавжудлиги

юртимизнинг иқтимоий ва маданий ривожланиши босқичларини ўзда акс эттиради. Ўзбекистон давлат санъат музейи, Теурийлар тарихи давлат музейи, Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ва бошқа муассасалар ўзининг бой ва нодир экспонатлари билан ҳар қандай ёшдаги сайёҳларни ром эта олади.

Муסיқа халқларни бир-бирига боғлайди

Ўзбекистон бой қадимий санъати билан ҳам хорижликларни ўзига жалб этиб келмоқда. Масалан, ҳар икки йилда Самарқандда ўтказилувчи "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивали бетақор муסיқа санъатимизни жаҳонга танитаётган, муסיқа ихлосмандлари эътиборидаги маҳоратли ижрочи ва жамоаларнинг иқодини намойиш этишга кенг йўл очаётган иқодий лойиҳа саналади. Сурхондарё вилоятида эса ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши белгиланди ва 2019 йилда илк бор ташкил этилди. Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳрида икки йилда бир марта Мақом фестивали ўтказилмоқда.

2003 йилда "Шашмақом" ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдонаси" деб тан олинди. 2008 йилда эса жаҳон репрезентатив рўйхатига киритилди. Худди шундай муסיқа фестивалларини юртимизнинг кунчиқар нуқтаси ҳисобланган Хонобод шаҳрида, мўъжизали тарихий обидаларга эга Карманда, табиий гўзаллик маскани ҳисобланган Зоминда ташкил этиш ёки пойтахтда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинофестивалларини яна қайта йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги маданий тадбирлар доирасида жаҳон ва Ўзбекистон санъати усталарининг




концертлари, кўрик-танловлар, сайиллар, кино кўргазмалари, кўргазмалар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилади.

Туризм орқали таълим ва тиббиётни ривожлантириш мумкин(ми?)

Диёримизда туризм ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Кўйда мамлакатимизда туризмнинг таълим ва тиббиёт йўналишларини ривожлантиришга доир тақлифларга эътиборингизни тортмоқчимиз.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим олиш шартнома (контракт) тўловлари миқдорини қайта кўриб чиқиш зарур.

2019-2020 ўқув йили давомида Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида 3593 нафар чет эл фуқароси таълим олган.



Уларнинг асосий қисмини Туркменистон, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон ва тожикистонлик талабалар ташкил этади. Чет эл фуқаролари мамлакатимиз эъл янги истеъмолчилар ҳисобланади, ўз навбатида, улар томонидан

истикомат қилинадиган шаҳарлардан мавжуд товар ва хизматлардан фойдаланиш эвазига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кўллаб-қувватланади. Шартнома пулларининг мамлакат фуқаролари билан тенглаштирилиши юз

минглаб хорижликлар, хусусан, Марказий Осиё ёшларининг мамлакатимизда таҳсил олишига имконият яратиши мумкин. Бунинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, хорижий талабалар янги фойдаланиш имкониятлар дегандир.

Ўзбекистоннинг бугунги тиббий имкониятларини хорижда (асосан, Марказий Осиё давлатлари орасида) тарғибот қилиш орқали уларнинг мамлакат ҳудудида даволашига бўлган қизиқишини ошириш мумкин. Бунинг учун чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан ташкил этиладиган тиббиёт муассасалари учун тенг имкониятлар яратиш, мамлакатимизга кириб келадиган барча турдаги тиббиёт техникаларини божхона тўловларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

Дунё бўйича 50 миллиондан зиёд киши ишсиз қоладими?

Коронавирус пандемиясидан энг кўп зарар кўраётган соҳалардан бири, албатта, туризмдир. У пандемия сабаб, бутунлай тўхтаб қолди ва катта йўқотишларга учрамоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти баёнотида кўра, айнан шу соҳанинг ўзида пандемиядан кейин дунё бўйича 50 миллион иш жойи йўқотилиши мумкин. Кўллаб, хусусан, Осиё давлатлари катта миқдорда зарар кўради.

Биргина мамлакатимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 2019 йилда юртимизга 6 748,5 минг киши ташриф буюрган. 2020 йил январь-март ойларида юртимизга туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1 214,0 минг кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу давридаги нисбатан 12 фоиз камайганини кўриш мумкин.

Маркетинг стратегияси зарур

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали иқтисодиёт янада тезроқ ўсишига эришиш мумкин. Чунки юртимиз географик жиҳатдан double land locked country, яъни на ўзи, на қўшнилари бевосита денгиз чегараларига эга бўлмаган мамлакат ҳисобланади. Одатда инвесторлар шундоқ ҳам баланд бўлган транспорт харажатларидан қочишга ҳаракат қилади, шунинг учун ҳам биз уларни шу жиҳатдан (имтиёзлар) билан ўзимизга жалб этишимиз лозим. Инвесторларга берилган имтиёзлар ёндош соҳалар орқали келадиган даромадлар эвазига қопланади, ҳаттоки бир неча баробар кўпроқ фойда билан чиқишга олиб келади.

Пандемия шароитида сайёҳлик оқими наинки юртимизда, балки бутун дунёда тўхтаб турибди. Бундай вазиятда соҳанинг ўзини тиклаб олишига, аввалги ҳолатига келишига одатдайдан-да кўпроқ вақт ва сармоя талаб этилади. Юртимизда тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, туризм соҳаси субъектларига пандемия даврида қатор имтиёзлар тақдим этилди. Бундай шароитда ходимлар ва мутахассислар малакасини оширишига доир бепул онлайн курслар ва вебинарлар ташкил этиш мумкин. Айни кунларда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон бўйлаб виртуал саёҳат қилиш имконини берувчи online-tourism.uz сайтини йўлга қўйиш устида иш олиб бормоқда.

Ёш сайёҳларни жалб этиш имкониятлари

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизга туристик мақсадда келган сайёҳларнинг салмоқли қисmini катта ёшлар ташкил этади. Ўз-ўзидан аёни, уларнинг харажати ҳам чекланган бўлади. Агар биз хорижий ёшларни юртимизга янада кўпроқ жалб эта оلسак, даромад ҳам 2-3 маротаба кўп бўлади. Бунинг учун, энг аввало, инфратузилmani ривожлантириш керак бўлади. Жумладан, ички автомобиль йўллари таъмирлаш, электр, газ, сув таъминоти, канализация тизими барқарор ишлашини таъминлаш, мобил алоқа ва интернетни яхшилаш учун қўшимча база станцияларини ўрнатишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш зарур.

Сайёҳлар учун енгил автомашиналар ижарасини кўпроқ ва кенроқ масофаларга ташкил этишни йўлга қўйиш лозим. Яъни хоҳлаган аэропорт, вокзал ёнидан ёки чегара постидан автомашиналарни ижарага олиш ва фойдаланиб бўлгандан сўнг ўзига қулай ва яқин бўлган ҳудудга қолдириб кетиш имкониятларини яратиш керак. Очик ва ёпиқ сув ҳавзаларини, жумладан, бассейнларни қўлайитириш, айниқса, Айдар ва Арнасой кўллари ҳудудида балик овлаш туризмини ва инфратузилмаларини янада ривожлантириш, сайёҳлик



хизматларини ошириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Туристларни жалб этишда фақат тарихий обидалар билан чекланиб қолмасдан, балки "ташир қоғози" бўла оладиган замонавий жозибали қурилма ёки ишоотлар ҳам барпо этиш зарур. Мисол учун, Австралиядаги Сидней опера театри, Франциядаги Лувр музейи, Хитойдаги Piano House, Озарбайжондаги Хайдар Алиев маданият маркази, Испаниянинг Бильбао шаҳридаги Кема музейи (Guggenheim музейи) ёки 25-30 метр баянликда гуллардан ясалган кучуқча (Puppy), АҚШдаги Озодлик ҳайкали, Франциядаги Эйфель миносари, Женевадаги баланд фавворалар, Сингапурдаги қўшлар ва судралиб юрвчи жониворлар учун паркар каби. Ушбу соҳада қўриладиган барча чоралар нафақат хорижий туристларга, балки юртимиз фуқароларининг ҳам маънан ва маданий дам олишлари хизмат қилади.